

БАНКЛАРДА КРЕДИТЛАШ ЖАРАЁНИДА МИЖОЗЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ АМАЛИЙ ВА НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Расулов Шавкат Шароф ўғли

ЖизПИ, Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти в.б.

Эгамбердиев Шовкат Акрамжон ўғли

Жиззах политехника институти талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16880397>

Аннотация: Ушбу мақолада банкларда кредитлаш жараёнида мижозларнинг молиявий имкониятларини баҳолашнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинади. Мижозларнинг молиявий барқарорлиги, даромад манбалари, қарз юки ва молиявий мажбуриятлари асосида кредитга лаёқатлилигини аниқлаш усуллари кўриб чиқилади. Шунингдек, кредит рискларини камайтириш, қарз тўлов қобилиятини аниқлаш ва кредит қарорларини қабул қилиш жараёнида замонавий технологиялар ва статистик усуллар қўлланилиши ўрганилади. Мақолада Ўзбекистон банк тизимида мижозларни баҳолашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ҳам берилади.

Калит сўзлар: банклар, кредитлаш жараёни, мижозларни баҳолаш, молиявий имкониятлар, кредит рисклари, қарз тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик, кредит қарорлари, статистик усуллар.

Abstract: This article analyzes the theoretical and practical aspects of assessing clients' financial capacity in the banking credit process. Methods for determining creditworthiness based on clients' financial stability, sources of income, debt load, and financial obligations are examined. The use of modern technologies and statistical methods in reducing credit risks, assessing debt repayment capacity, and making credit decisions is explored. The article also provides recommendations for improving client assessment practices in the banking system of Uzbekistan.

Keywords: banks, credit process, client assessment, financial capacity, credit risks, debt repayment ability, financial stability, credit decisions, statistical methods.

Рақобатдош иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхоналар рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Корхоналар рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш учун энг асосий талаблардан бири замонавий янги техника ва технология билан қўролланишдир. Модернизация ишларини амалга ошириш учун корхонада моддий ва молиявий ресурсларга эҳтиёж сезилади. Ҳозирда корхоналар

моддий ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини асосан банк кредитлари эвазига қоплашади. Корхоналарнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида кредитга лаёқатлигини баҳолайдилар.

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини ва туловга қодирлигини ўрганиш муҳим иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар молиявий ҳисобот ҳамда бошқа зарур ҳужжатлардаги маълумотлар асосида ўрганилади. Зарур кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаб, маблағлар ўртасидаги нисбат ва ўзаро боғланиш аниқланади. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги бир қатор муҳим кўрсаткичлар ҳамда ҳисоб китоблар асосида ўрганилади. Уларни бирма бир тартиб асосида кўриб чиқамиз.

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини ўрганишда қўйидаги кўрсаткич(мезон)лар асосида корхоналарнинг кредитни ўз вақтида ва тўла қайтариш қобилиятини баҳолаймиз.

1. Қоплаш коэффиценти.

$$Қк = \frac{ЖА(390) - КДХ(190) - КХ(200) - МУДҚ(211)}{ЖМ(600)}$$

2. Ликвидлилик коэффиценти.

$$Лк = \frac{ПМ(320) + ҚМИ(370) + ДҚ(210) - МУДҚ(211)}{ЖМ(600)}$$

3. Ўз маблағлари билан таъминланганлик(мустақиллик коэффиценти).

$$Мк = \frac{ХК(480)}{БС(780)}$$

4. Ўз айланма маблағларининг мавжудлиги (НСОС).

НСОС=(Хусусий капитал+Узоқ муддатли кредит ва қарзлар) – Узоқ муддатли активлар

Тасдиғи сифатида “Ўзсаноатқурилишбанк” очиқ акционерлик тижорат банки мисолида кўриб ўтамиз.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ тизимида кредитлаш ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, хўжалик субъектларининг кредитни тўлаш қобилиятини ҳисоблаш методикаси ва таваккалчиликни баҳолаш тизими(Скоринг таҳлил тизими) келтирилган. Бу тизимдан “Ўзсаноатқурилишбанк” очиқ акционерлик тижорат банки буюртмаларни кўриб чиқишда ва ички мониторинг жараёнида ҳам банк учун услубий асос ҳисобланади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” очиқ акционерлик тижорат банки юқоридаги келтириб ўтилган мезонлар бўйича талабга жавоб берганда банк томонидан корхоналарга кредит ажратилади. “Ўзсаноатқурилишбанк” очиқ акционерлик тижорат банки мисолида кўрганимизда кредитга

лаёқатлилики баҳолашда асосан корхона имкониятлари (маълум бир санага тузилган баланс маълумотлари), аммо меҳнат салоҳиятига ҳеч қанақа эътибор қаратилмаяпти. Кредитга лаёқатлилики баҳолашда Ғарб тажрибасини кўрганимизда корхона имкониятлари билан бир қаторда меҳнат салоҳиятига ҳам эътибор қаратилган.

Ғарб мамлакатларида кредитга қодирлики баҳолашда энг муҳим қоида сифатида шартли “С-1-5” қоидасига амал этилади. Бу қоида қуйидаларни ҳарактерлайди.

C1-character - қарз олувчининг бозордаги обрўси, унинг ҳолатини аниқлаш

C2-capacity - қарз олувчининг фаолиятни якунига етказа олиши, тегишли даромадга эга бўлиши ҳамда олинган кредитларни қайтариб бера олиш қобилияти

C3-capital - қарз олувчининг сармоясининг етарлиги

C4-conditions - бизнеснинг ривожланиши юзасидан шартлар

C5-collateral - гаров

Ғарб мамлакатлари тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак “С-1-5” қоидасида C1,C2 ва C4 шартларида корхона имкониятлари билан бир қаторда меҳнат салоҳиятига ҳам катта эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

Биз юқорида кредитга лаёқатлилигини ўрганишнинг Ғарб тажрибасидан келиб чиқиб корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда меҳнат салоҳияти(мижознинг ҳарактери (феъл атвори), мижознинг қарз олиш қобилияти, олинган қарзни узиш юзасидан маблағлар ишлаб топишга қобиллиги)га ҳам эътибор қаратишни таклиф қиламиз. Мисол ўрнида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида жойлашган “UZGERMED PHARM” МЧЖ Ўзбекистон-Германия ҳамкорликда ампула дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш учун кредит сўраб “Ўзсаноатқурилишбанк” очик акционерлик тижорат банкига мурожаат этишди. Банк ҳодимлари янги очилган корхона, кредитга лаёқатлилики мезон кўрсаткичлари асосида ҳисоблаб чиқилганда кредитни тўлай олиш қобилиятига эга эмас деб кредит ажратмади, аммо корхонадаги ҳодимларнинг меҳнат салоҳиятига, маҳсулотнинг бозорда рақобатбардошлигига, бизнес режанинг асосланганлигини, ички бозор учун янги маҳсулот яратаётганлигини эътиборга олишмади. “UZGERMED PHARM” МЧЖ ҚК асосий таъсисчиси бўлган “SAMO” МЧЖ номига кредит олиб ўзоқ муддатли ижара

шартномаси асосида иш фаолиятини бошлашга мажбур бўлди. Ҳозирда “UZGERMED PHARM” МЧЖ ҚҚ ички ва ташқи бозорда рақобатга киришадиган маҳсулот ишлаб чиқариб, молиявий барқарор ҳолатга чиқишга эришди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 5 жилдли. Ж.И. Е-М / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.611.
- 2.Русча-ўзбекча луғат. Икки томли. II том. П-Я. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси. – Т.: 1984. - Б. 669.
- 3.Финансово-кредитный словарь. Т.III. Р-Я. – М.: «Финансы и статистика», 1988. – С.292
- 4.Sharifa, R., & Ilyos, T. (2023). PRINCIPLES OF SCIENTIFIC MANAGEMENT IN MANAGEMENT. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1097-1100.
- 5.Sharifa, R., & Sayyora, M. (2023). HISTORY OF EMERGENCE OF MANAGEMENT AND ITS PLACE TODAY. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1093-1096.
- 6.Sharifa, R. (2023). DIRECTIONS FOR INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS IN REGIONS. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1088-1092.
- 7.Sharifa, R., & Nozima, T. (2023). QUALITY MANAGEMENT IN COMPETITIVE CONDITIONS IS THE MAIN FACTOR OF ENTERPRISE SUCCESS. SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(20), 200-203.
- 8.Sharifa, R., & Mahliyo, K. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF ENTERPRISES AND THEIR APPEARANCES. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(5), 77-83.

